

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «16» 5

2022-2201-7-95-ТВ-сон

Иштихон шаҳри

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси номидан ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари Олимжон Баҳриддиновиҷ Ҳужамов бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Оқдарё Баҳтиёр Қурувчи" хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Вали Шавкатович Камолов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар кандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари кийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Иштихон туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Кўп тармоқли марказий поликлиника биносини жорий таъмирлаб, фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, <https://etender.uzex.uz/> порталида энг яхши таклифларни танлаб олиш танлови натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг карори (<https://etender.uzex.uz/> портали орқали электрон тарзда шаклланиб, ҳар бир комиссия аъзоларининг электрон имзоси орқали тасдиқланган 2022 йил 11 майдаги 79231-сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **189 512 115** (бир юз саксон тўкқиз миллион беш юз ўн икки минг бир юз ўн беш) сўмни ташкил қиласди.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлиар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Кўриб чиқган юрист: YULDASHEV SHERZOD MARDIYEVICH. Ҳужжат рақами: RJ6611026756

объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг **II бўлимидаги назарда тутилган ишларни бажариш учун:**

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

1- иловага мувофиқ курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар куриш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони қўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда мазкур шартномага 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **56 853 634** (эллик олти миллион саккиз юз эллик уч минг олти юз ўттиз тўрт) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (**1-илова**).

16. Барча ишларни Пудратчи бажаргандан сўнг, Буюртмачи ишларни қабул қилиш далолатномаси тузади. Далолатнома имзолангандан сўнг, 5 банк иш куни ичida Буюртмачи колган 70 фоиз тўловни амалга оширади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқукига эгадир.

19. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг **VI бўлимида** кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

23. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникиси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

24. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

25. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

26. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

27. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

28. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек

курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

29. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб ____ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

30. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг **V бўлимиға** мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равища тасдиқлаши керак.

31. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

32. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёrlари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

36. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

37. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

38. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

39. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

40. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

41. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисадий суд томонидан кўриб чиқлади.

XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

42. Томонлар:

- томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва ёки коррупция характеристига эга булган, шу жумладан (аммо бу билан чекламай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари харакатсизларини содир этмайдилар.
- томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро бўлмаган) шахслари ва ходимлари бошка томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларини тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантиривчи томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум киладилар.

43. Томонда ушбу Шартноманинг 42.-бандаги талаблари бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги туғрисидаги шубҳалар юзага келган холда, тегишли томон бу хақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларнинг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган холда эса-амалдаги қонун хужжатларда белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XVII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

45. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

46. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

47. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

"Оқдарё Бахтиёр Қурувчи" ХК

Иштихон тиббиёт бирлашмаси

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: LG00450481

Манзили: Оқдарё тумани Арпа кишлоси

Тел: +998-99-163-84-88

X/P:20208000900614345001

СТИР: 303919560 ИФУТ: 61110

Банк номи: Самарқанд ш., Турон АТ банк
Самарқанд ш.ф. МФО: 00282

Рахбар:  В.Камолов

М.ў.



Манзил: Иштихон ш. Навоий кўчаси 12

уй

Тел/факс: 66-629-10-00

Ш/ХВ: 401722860182127072110054001

СТИР: 200972012 ИФУТ: 86100

Иштихон т. буйича Газначилик


Бўлинмаси Ғазна X/P:

23402000300100001010

Банк номиг. Марказий б. Тошкент ш.
ХККМ МФО: 00014 СТИР:201122919



Рахбар:  О.Хужамов



Иштихон тумани Тиббиёт бирлашмаси ва
 "Оқдарё Бахтиёр Курилиш" хусусий
 корхонаси ўртасида тўзилган
2022-2201-7-95-TB-сонли шартномага
 илова (лот 22110012079231)

№	Бажариладиган иш ва хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	ОЧИСТКА ПОВЕРХНОСТИ ФАСАДОВ ПЕСКОСТРУЙНЫМ АППАРАТОМ: ГЛАДКОЙ С ЗЕМЛИ И ЛЕСОВ	100M2	11,1200	1100200,68	12 234 231,5923
2	ОКРАСКА ФАСАДОВ С ЛЕСОВ ПО ПОДГОТОВЛЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНАЯ	100M2	4,8800	406378,70	1 983 128,0404
3	ОТДЕЛКА НАРУЖНЫХ СТЕН ПО ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОВЕРХНОСТИЯМ ДЕКОРАТИВНЫМ ПОКРЫТИЕМ ПОД ИМИТАЦИЮ НАТУРАЛЬНОГО КАМИЯ "ТРАВЕРТИН" СПЛОШНОЕ НАНЕСЕНИЕ С ПОЛИРОВКОЙ ПОВЕРХНОСТИ (БЕЗ РИСУНКА) С РАСХОДОМ 350 КГ РУЧНЫМ СНОСОБОМ	100 M2	7,2100	6748153,34	48 654 185,5652
4	СВЕТИЛЬНИКИ, УСТАНАВЛИВАЕМЫЕ ВНЕ ЗДАНИЙ. СВЕТИЛЬНИК "ШАР ВЕНЧАЮЩИЙ"	ШТ	8,0000	96555,81	772 446,4509
5	СВЕТИЛЬНИК СТОЕЧНЫЕ	ШТ	8,0000	0,00	0,0000
6	УСТРОЙСТВО БЕТОННЫХ ПЛИТНЫХ ТРОТУАРОВ С ЗАПОЛНЕНИЕМ ШВОВ ПЕСКОМ	100M2	0,5100	5891457,43	3 004 643,2884
7	УСТАНОВКА БЛОКОВ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЕВЫХ, АЛЮМИНИЕВЫХ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКОВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ: В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2	100M2	0,1040	88890870,83	9 244 650,5663
8	УСТАНОВКА АЛЮМИНИЕВЫХ ВИТРАЖЕЙ	100 M2	0,2760	60053528,69	16 574 773,9185
9	РАЗБОРКА СУЩЕСТВУЮЩЕГО ВЕСТИБЮЛЯ	100M2	0,2350	4190630,23	984 798,1050
10	УСТАНОВКА АЛЮМИНИЕВЫХ ВИТРАЖЕЙ	100 M2	0,2350	60053528,69	14 112 579,2422
11	ОБЛИЦОВКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ДЕКОРАТИВНЫМИ ПАНЕЛЯМИ ТИПА "АЛЮПАН" СТЕН С УСТРОЙСТВОМ КАРКАСА ИЗ ЖЕСТЯНОГО ПРОФИЛЯ	100 M2 РАЗВЕРНУ ТОЙ ПРОЕКЦИ И ПОВЕРХН ОСТИ ОБЛИЦОВ КИ	0,1240	25171772, 71	3 121 299,8158
12	РЕМОНТ ШТУКАТУРКИ ВНУТРЕННИХ СТЕН ПО КАМНЮ ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПЛОЩАДЬЮ ОТДЕЛЬНЫХ МЕСТ: ДО 10 М2 ТОЛЩИНОЙ СЛОЯ ДО 20 ММ	100M2	0,4900	4348842,29	2 130 932,7229

13	СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ (ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА) ГИПСОВЫМИ СУХИМИ СМЕСЯМИ: ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ СТЕН	100M2	1,4200	2439518,1 1	3 464 115,7155
14	ВЫЧИТАЕТСЯ ПОЗИЦИЯ: НА КАЖДЫЙ ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ ИСКЛЮЧАЕТСЯ СТЕН ИСКЛЮЧИТЬ ТОЛЩ.7ММ	100M2	1,4200	1431132,1 6	-2 032 207,6689
15	ОКЛЕЙКА СТЕН МОЮЩИМИСЯ ОБОЯМИ НА БУМАЖНОЙ ОСНОВЕ ПО ШТУКАТУРКЕ И БЕТОНУ	100M2	0,3020	3781763,5 6	1 142 092,5942
16	УЛУЧШЕННАЯ ОКРАСКА МАСЛЯНЫМИ СОСТАВАМИ ПО ДЕРЕВУ ПОЛОВ	100M2	1,2600	1980748,9 9	2 495 743,7320
17	ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО СБОРНЫМ КОНСТРУКЦИЯМ, ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОД ОКРАСКУ СТЕН	100M2	0,8100	1042745,0 5	844 623,4896
18	СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ (ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА) ГИПСОВЫМИ СУХИМИ СМЕСЯМИ: ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ ПОТОЛКОВ	100M2	0,8100	2895704,8 9	2 345 520,9619
19	ВЫЧИТАЕТСЯ ПОЗИЦИЯ: НА КАЖДЫЙ ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ ИСКЛЮЧАЕТСЯ ПОТОЛКОВ ИСКЛЮЧИТЬ ТОЛЩ.8ММ	100M2	0,8100	1962939,2 1	-1 589 980,7605
20	ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО СБОРНЫМ КОНСТРУКЦИЯМ, ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОД ОКРАСКУ ПОТОЛКОВ	100M2	0,8100	1156687,0 3	936 916,4940
21	РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ ПОЛОВ: ИЗ КЕРАМИЧЕСКИХ ПЛИТОК	100M2	0,4100	1656705,3 9	679 249,2113
22	УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ ИЗ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК РАЗМЕРАМИ ДО 60Х60 СМ	100M2	0,4100	20540878, 50	8 421 760,1869
23	УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ИЗ ГОТОВЫХ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК ТОЛЩИНОЙ ДО 15 ММ ШИРИНОЙ ДО 100 ММ НА КЛЕЕ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ	100M	0,1730	2554627,6 0	441 950,5745
24	ДЕМОНТАЖ САНИТАРНЫХ ПРИБОРОВ: УНИТАЗОВ И ПИССУАРОВ	100ПРИБ	0,1000	1488885,8 8	148 888,5881
25	ДЕМОНТАЖ САНИТАРНЫХ ПРИБОРОВ: УМЫВАЛЬНИКОВ И РАКОВИН	100ПРИБ	0,1000	1196960,9 6	119 696,0956
26	УСТАНОВКА УНИТАЗОВ С БАЧКОМ НЕПОСРЕДСТВЕННО ПРИСОЕДИНЕНИЕМ	10КОМПЛ.	1,0000	611534,94	611 534,9391
27	УСТАНОВКА РАКОВИН	10КОМПЛ.	1,0000	238067,88	238 067,8768
28	УСТАНОВКА СМЕСИТЕЛЕЙ	10ШТ	1,0000	1857237,2 5	1 857 237,2474
29	УСТАНОВКА ПОДДОНОВ ДУШЕВЫХ ЧУГУННЫХ И СТАЛЬНЫХ МЕЛКИХ	10КОМПЛ.	0,2000	300248,65	60 049,7298
30	УСТАНОВКА СМЕСИТЕЛЕЙ ДЛЯ ДУША	10ШТ	0,2000	1857237,2 5	371 447,4495

31	ВЕНТИЛЬ Д20	ШТ	20,0000	0,00	0,0000
32	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 110 ММ	100 М ТРУБОПР ОВОДА	0,7200	8048266,0 0	5 794 751,5214
33	ПРОКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ КАНАЛИЗАЦИИ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ С УСТАНОВКОЙ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ДИАМЕТРОМ: 50 ММ	100 М ТРУБОПР ОВОДА	0,2100	1695303,4 0	356 013,7139
	Бажариладиган ишлар суммаси				139 525 141,0000
	Прочие затраты и расходы 18,11%	сум			25 268 003,0000
	Жами:	сум			164 793 144,0000
	ККС 15%	сум			24 718 971,0000
	Хаммаси ККС билан	сум			189 512 115,0000



Иштихон тумани тиббист
бирлашмаси бошлиги:

“Оқдарё Баҳтиёр Қурилиш”
хусусий корхонаси раҳбари:



О.Б.Хужамов

В.Ш.Камолов



ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТҮҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури

Шартнома

2. Лойиҳанинг номи

Пудрат шартномаси

(Иштихон туман Тиббиёт бирлашмаси ва “Оқдарё Бахтиёр Қурувчи”
ХК ўртасида тузилган пудрат шартномаси. Ушбу шартнома Ўз.Р. “Давлат
харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги 684-Қонуни ва
Ўз.Р.Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сон Қарорига асосан
тузилган)

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳакидаги маълумот

Иштихон туман Тиббиёт бирлашмаси 16.05.2022

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофик ишлаб чиқилган ва уни
кабул қилиш максадга мувофик.

2022 йил «16» май

Марказ бошлиғи:



Ш.М.Юлдашев